**ФИРИБГАРЛИКНИ КАСБ ҚИЛИБ...**

*...У заводдаги таниши орқали машинани олиб чиқиб беришига ишонтириб, харидорларнинг кўнглини тўқ қилади. Шу тариқа учала фирибгар қўлга киритган пулларни бемалол ўз эҳтиёжлари учун сарфлашаверади.*

7 бет

**ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ**

*Алдов қурбонига айланган йигитлар бўлса, Владивосток шаҳрига бориб, ваъда қилинган ишлар ўрнига турли юмушларни бажара бошлаганларидан кейингина чув тушишганини пайқашди. Аммо, энди кеч эди...*

8 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 31-oktabr, №44 (877)


Ифтихор

*Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!*

*Истиқлол шарофати билан тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда ҳайратланарли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Собиқ тоталитар шўролар тузуми даврида Сирдарё вилоятига ҳам фақат арзон деҳқончилик маҳсулотлари етиштириб берувчи ҳудуд сифатида қараліб, пахта якка ҳокимлиги ўрнатилган эди. Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, бундай муносабатга бутунлай барҳам берилди.*



# Бунёдкорлик ва юксалишлар даври

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилган туб ислоҳотлар натижасида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгаришларга юз тутди. Бундай улкан ўзгаришларга давлатимизнинг воҳани комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибори, пухта ўйланган ислоҳотлар, қолаверса, вилоят аҳлининг метин иродаси, фидойилиги ва азми шижоати билан эришилди, десак муболаға бўлмайди. Вилоятнинг барча туманлари ва марказида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида кўплаб ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари, тиббиёт муассасаларининг кенг тармоғи, замонавий мактаб, академик лицей ва коллежлар, маданият ва спорт мажмуалари, саноат, савдо-маиший хизмат кўрсатиш, йўл-коммуникация шохобчалари, янги уй-жой бинолари барпо этилди ва этилмоқда. Бунёдкорлик ишларининг самарасини хонадонларимизга кириб келган ўзгача файз-баракада, турмуш маданияти юксалиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга катта аҳамият берилаяпти. Бунинг натижасида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Ижтимоий-иқтисодий юксалишлар ҳақида сўз юритганда, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, тараққиётимизнинг беш асосий тамойилидан бири бўлган қонун устуворлиги барча ислоҳотларнинг мустаҳкам таянчи бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органлари ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Буни вилоят прокуратура органлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида вилоят прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти Республика Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ва кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиб, асосий эътибор ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга қаратилди. Ҳайъат мажлислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашларида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот аҳволига доир долзарб ва муҳим масалалар муҳокама этилиб, аниқ тадбирлар белгиланди ва амалга оширилди.

Бинобарин, ўтган даврда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 3010 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, 673 та ғайриқонуний ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қонунбузилишлар 701 та тақдимнома орқали бартараф қилиниб, қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 195 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди, 1220 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 136 та жиноят иши қўзғатилди. Етказилган моддий зарарларни ундириш юзасидан судларга 737,7 млн. сўмлик 85 та даъво аризаси киритилиб, 198,1 млн. сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий равишда ундирилди, 1205 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ҳаётнинг барча соҳаларидаги ўзгаришлар иқтисодий салоҳиятимиз янада мустаҳкамланиб бораётганлиги билан чамбарчас боғлиқ, албатта.

Иқтисодиётнинг жадал равнақ топиб, янги иш ўринлари вужудга келаётгани тадбиркорликни ривожлантириш борасида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яққол ифодасидир. Кейинги йилларда бу соҳа жадал ривожланиб, аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий омилига айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, солиқ ва бошқа тўловлардан имтиёзлар бериш масалаларида сўнгги йилларда бир қатор қонунлар қабул қилинди. Қонунлар ижросининг таъминланиши, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали механизми жорий этилгани хусусий тармоқни жадал ривожлантиришга имкон бермоқда. Энг муҳими, мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўзининг бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар сафи кенгайиб бораяпти.

**/Давоми 4-бетда/**

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига*

***Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масаласи Конституциямизнинг бир қатор моддаларида ўз ифодасини топган. Унинг муқаддимасидаёқ ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъуллик ҳақида сўз боради. Масалан, Асосий Қонунимизнинг 64-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради", деган норманинг белгилангани ҳам миллий менталитетимизга, ҳам халқаро ҳуқуқ талабларига тўлиқ мос келади.***

# Ёшлар келажагининг ҳуқуқий пойдевори

**Бахтиёр ЯҲЁЕВ,**
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси




Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида юқоридаги вазифалар ижросига масъулият билан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари ишлаб чиқилиб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омили сифатида фарзандларимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ҳамда маданиятини юксалтириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, мазмун-моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ва юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, уни кенг тарғиб қилиш мақсадида 2001 йил 4 январда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинган эди.

Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш ва махсус ўқув курсини ишлаб чиқиш фармойишда белгиланган муҳим вазифалардан бири бўлиб, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчилари; умумий ўрта таълим тизими ўқувчилари; коллеж ва лицейлар ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, давлат хизматчилари ва бошқа тоифадагилар учун алоҳида-алоҳида услубий қўлланмалар ҳамда дастурлар тайёрланиб, амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида турли соҳа мутахассислари учун Конституцияни ўрганиш бўйича мунтазам семинарлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, таълим муассасалари ўқитувчиларини ушбу йўналишда тайёрлаш, малакасини ошириш, оммавий ахборот воситаларида Конституциянинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш чоралари кўриямоқда. Шунингдек, "Конституция ҳақида суҳбат", "Конституция ранг-тасвир, изоҳ ва чизгиларда" каби рисолалар, болаларга мос фотоальбомлар тайёрланиб, жойларга етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, ўрта мактабнинг бошланғич синфлари учун "Конституция алифбоси", "Конституция сабоғи", юқори синфлар учун "Конституциявий ҳуқуқ асослари" каби фанлардан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Конституциянинг ғоялари, тамойил ва қоидаларини тафаккуримизга сингдириш ҳамда маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш, шубҳасиз, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир.

*Аёл ҳожатбарор кишидан "Ҳужжатларни қонуний қилиб берасизми?", деб сўради. "Ҳаммаси қонуний бўлади, ушбу университетнинг айлана муҳрларигача қўйдириб бераман", жавоб қилди нотаниш киши. Бу учрашувда ҳар иккала томон ҳам қонун ва қонунийлик тўғрисида гап юритишди. Иш битди. 1987 йилда Косон туманида туғилган Фароғат Атаева 2010 йил 28 июнда "N1385" рақами билан қайд этилган "В N429606" серияли дипломга эга бўлди.*

# Ўқимай мутахассис бўлганлар

Акмал САЙФИДДИНОВ,
Қарши туман прокурори
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Ҳуқуқ»

Қаранг, қандай осон! Худди эртаклардагидай. Бир инсон тунларни тонгга улаб китоб варақламасдан, тест саволларига жавоб бермасдан ва олий ўқув юртига киришнинг бошқа қийинчиликларини бошдан кечирмасдан дипломли бўлди-қолди.

Фароғат 2010 йилда Косон туманидаги 10-мактабга ўқитувчи бўлиб борди. Энди унинг қўлида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг ўзбек филологияси йўналиши бўйича таҳсил олганлигини тасдиқловчи ҳужжати бор эди, адабиёт ўқитувчиси деган.

Балки Фароғат Атаева бундай бўлишини ўйламагандир. У 2005 йилда Косон туманидаги 86-мактабга кутубхоначи бўлиб ишга кирган эди. 2007 йилдан бошлаб шу мактабда бир йил давомида 5-6-синфларга она тили ва адабиёти фанларидан дарс берди. 2010 йилдан бошлаб шу фанлар бўйича асосий ўқитувчи сифатида ишлай бошлади. 2012 йил август ойида тумандаги 10-умумтаълим мактабига ўқитувчи бўлиб ўтди. Унга она тили ва адабиёт фани бўйича 28 соат дарс ажратилди.

Нотаниш кишининг таклифи, сотиб олинган диплом, сохта ўқитувчилик унинг виждонини қийнардими-йўқми, бу ўзига ҳавола, аммо ўша воқеалар гўёки йиртқич бир қушдек унинг бахтига чанг солиб турганга ўхшарди. Ва бу ҳол вақти келиб юзага чиқди. Ўшанда, яъни Фароғат ва нотаниш киши юқорида айтганимиздек, қонун ва қонунийлик тўғрисида гапиришган бўлса-да, аслида уларнинг қилган иши амалдаги қонунларимизга зид эди.

Судланувчи Шоҳида Ҳамроева дастлабки тергов жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахслар билан тил бириктириб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида "Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий ишлари" мутахассислиги бўйича "таҳсил олди" ва у ҳам худди Фароғатга ўхшаб ўша 10-умумтаълим мактабига "№1497" рақами қайд этилган "BN№513417" серияли диплом билан кириб келди. Буни қарангки, Низомий номидаги олий таълим даргоҳи номидан 10-мактабни сохта диплом билан таъминлашга бел боғлаган нотаниш кишилар сира иккиланмай, дадил ҳаракат қилардилар.

Шоҳида ҳам Фароғатга ўхшаб 2013 йилнинг 1 апрелига қадар бир мактабда, бир олий ўқув юртидан олинган сохта диплом билан дарс бериб юрди. Ҳар иккаласи ҳам ўзини суда педагогика университетида домлаган деб таништирган кишиларнинг исмини, кимлигини эслай олмадилар. Шоҳида дипломни университетга бориб, ўша исми номаълум бўлган фуқаронинг ўзидан олганлигини, аммо бирон марта ҳам ўқиш учун у ерга бормаганлигини ва бу ишидан қаттиқ пушаймонлигини айтиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Мазкур мактабга сохта диплом билан келиб, ўқитувчилик қилаётганлар аслида фақат шу икки кишидан иборат эмасди. Бу масканда ходимларнинг шахсий ҳужжатларидан бирида 2005 йил 30 июнда Самарқанд Давлат университети томонидан берилган "BN№387674" серияли сохта диплом ҳам бор эди. Шоира Яхшиеванинг педагогика-психология мутахассислиги бўйича олий маълумот олганлигини кўрсатувчи бу диплом ҳам "нотаниш киши" томонидан тайёрланган бўлиб, аслида Шоиранинг ўзи таҳсил олиш учун бирор марта ҳам дарсларда иштирок этмаганди. Фақат Шоиранинг судда кўрсатма беришича, диплом олишга борганида 10 кун бир хонада таҳсил олган ва тайёр дипломни кўтариб қайтаверган. Дипломни унга ўша исми номаълум фуқаро ўз қўли билан топширган.

Судланувчиларнинг мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир этганликлари уларнинг дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбга тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган далиллар асосида ўз исботини топди.

Хулоса қиладиган бўлсак, қонун ҳамма учун баробар. "Қингир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", дейдилар. Шундай экан, ҳозирча ўзини панага тортиб турган кимсалар ҳам бир кунмас бир кун қўлга тушадилар ва жазога тортиладилар.

# Таъминотчи директорни ҳам таъминлаши керакми?

*Баъзилар мансабни мол-дунё тўплаш манбаи деб билади. Ҳатто бировларни мажбурлаш даражасига борганига нима дейсиз? Бундай қилмишлар қонунларимизни менсимаслик эмасми?*

Жаҳонгир ИСЛОМОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Ҳуқуқ»

Жиззахлик Қаҳрамон Каримов ҳам шундай одамлар тоифасидан чиқиб қолди. У 2011 йилнинг 26 январидан 2012 йилнинг 26 декабригача Жиззах Олимпия захиралари коллежи директори бўлиб ишлаган қисқа даврда шахсий манфаатлари учун анча-мунча "фойдали" ишларни амалга оширишга улгурди.

У шу таълим муассасасида ишловчи қариндоши Жавлон Каримов билан тил бириктиради. Коллежнинг собиқ ошпази Аъзам Ҳожиевни озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотчиси вазифасига тайинлаш эвазига ҳар ойда 1000 АҚШ долларидан пора бериб туришга мажбурлашади. Таъминотчи эса коллеж ўқувчиларига берилиши лозим бўлган маҳсулотларни қисман сотиш йўли билан тушган маблағдан директорнинг улушини етказиб туриши лозим эди. Аъзам Ҳожиевни эса "бу ишни бажармасанг, ишдан бўшатиб юбораман", деб қўрқитади. Таъминотчи мажбуран унинг талабини бажаради. Хуллас, Аъзам Ҳожиевдан ўтган йилнинг сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ойлари учун 1000 АҚШ долларидан пора олади.

Шунингдек, директор жиноий ҳаракатларини давом эттириб, спорт ишлари бўйича директор ўринбосари Маъруф Урдушов билан ҳам тил бириктиради. Директор ўринбосари Аъзам Ҳожиевга гўёки пойтахтда бўлиб ўтаётган спорт мусобақасига деб совға сифатида олиб бориш учун "LG" русумли телевизорни мажбуран сотиб олдиради. Телевизор эса совғага эмас, директорнинг уйига йўл олади. Бу билан ҳам собиқ ошпаз қутулмайди. У директорга яна ёнидан 500 минг сўм сарфлаб, 30 кг. қўй гўшти олиб беради.

2012 йилнинг декабрь ойларида Қаҳрамон Каримов директорлик вазифасидан бўшайди. Бироқ, отдан тушса ҳам, эгардан тушмаган собиқ директор яна Аъзам Ҳожиевга қўнғироқ қилиб, туғилган кунини ўтказиб бериш талабини қўяди. А.Ҳожиев эса ноилож, яъни собиқ директорнинг шогирди Маъруф Урдушовнинг айни вақтда раҳбар эканлигидан чўчиб, унинг шартига яна кўнади. Собиқ директорнинг 20 нафар меҳмонини кутиб олиб, ресторанларнинг бирида унинг туғилган кунини ўтказиб беради. Бу базм "жабрдийда"га 600 минг сўмга тушади.

Бундан ташқари, коллеж раҳбари фаолияти давомида ўқув даргоҳига келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини расмий ҳужжат ҳисобланган кунлик таомномаларга қўшиб ёзиб, бунинг оқибатида сақланиб қолган 26 млн. 138 сўмлик маҳсулотларни сотиб юборишади. Тушган пулларни эса ўзлаштириш йўли билан талонторож қилишади.

Бу ҳам етмагандек, собиқ директор коллежда жадвал бўйича ўтилиши лозим бўлган дарс соатларига амалда ўтказилмаган соатларни қўшиб, белгиланган иш ҳақига нисбатан ортиқча 9 млн. 329 минг сўм, педагог ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадларнинг ортиқча ҳисобланиши натижасида эса яна 3 млн. 134 минг сўм маблағни давлатдан ноқонуний тарзда ундириб олади.

Суд Қаҳрамон Каримовга 3 йил масъул мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан ва 12 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Унга яқиндан ёрдам берганлар ҳам айбига яраша жазога тортилдилар.

# Нафс илинжида

Эркин АЛМУРОДОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаменти бош инспектори

Таассуфки, қонунга хилоф равишда алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий мезонларни издан чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Қонуний йўл туриб, ноқонуний даромад олиш мақсадида яширин равишда қўлбола арақ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзига касб қилиб олганлар оз бўлса-да, учраб турибди. Афсуски, улар орасида аёл кишиларнинг ҳам борлиги ачинарли.

Гуландом Саидова (исм-фамилияси ўзгартирилган) жамият учун бирор-бир фойдали фаолият билан шуғулланмасдан, осон ва мўмай даромад орттиришни мақсад қилди. У пойтахтимиз бозорларидан бирида терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган кишилардан ҳажми 5 литр бўлган 4 дона елим идишлардаги 20 литр этил спирти билан бирга қалбаки Ўзбекистон Республикаси акциз маркаларини, турли хил капсула ва ёрлиқларни, қўлбола усулда тайёрланган арақ маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш мақсадида сотиб олади.

Департаментнинг Сергели туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Г.Саидова ўз уйининг ёрдамчи хўжалигида ноқонуний равишда арақ маҳсулотларини тайёрлаб келганлиги аниқланди.

Тадбир давомида Г.Саидованинг яширин цех ташкил қилганлиги маълум бўлди ва ундан 0,5 литрли 76 дона арақ маҳсулотлари, елим идишдаги спирт, турли номдаги ёрлиқлар, капсула қопқоқлар, бўш шишалар, 1 дона фильтр мосламаси ва бошқа маҳсулотлар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд қонунбузарга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

*Айрим жиноий воқеаларни олалиган бўлсак, жабрланувчиларнинг ўзлари қонунларимизни четлаб ўтмоқчи бўлганликларининг гувоҳи бўламиз. Бундай фуқароларимиз ишларини битириш учун кимларнингдир хизматидан фойдаланишга уринадилар-да, оқибатда бошлари деворга урилгандан сўнг, бу ҳақда тегишли жойга мурожаат қиладилар.*

# Фирибгарнинг сўнгги манзили

Алишер ХАЛИКОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Мирзо Улуғбек туман бўлими бошлиғи

Фуқаро Нозим Илҳомов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) амакисининг ўғлини ўқишга киритиш учун "таниш" топганидан хурсанд бўлиб кетди. Эмишки, 5 минг АҚШ доллари эвазига у топган ўша одам жиянини Ўзбекистон Миллий университетининг Иқтисодиёт факультетига ўқишга киритиб қўяр экан. Буни эшитган амаки ҳам охирини ўйламасдан "хамир учидан патир" қабилида, жиянининг қўлига 1000 АҚШ долларини тутқазиб, "Ишни тезроқ ҳал қил, қолганини кейин олади", дея уни кузатиб қўйди. Ўзини барча ишларга қодирдек кўрсатиб, Н.Илҳомовнинг ишончига кирган бу одам аслида фирибгарликни ўзига касб қилиб, мўмай пул ишлашни ният қилган кимсалардан эди. Бундай қабиҳ иллат ортидан пул топмоқчи бўлган Акбар Бобоев Республика Маънавият ва тарғибот марказида бўлим мудири вазифасида ишларди. Ваъдани қуюқ қилган А.Бобоев пулни олди-ю, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди.

Текин даромад мойдек ёққан фирибгар яна бир фуқаронинг ишончига киришга "муваффақ" бўлди. Энди унинг тузоғига фуқаро Комил Отаев тушиб қолди. Бу сафар ҳам олдинги "сценарий" бўйича иш юритилди. Фақат олий ўқув юртининг манзили ўзгарди, холос. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига киритиб қўйиш баҳосини 3500 АҚШ доллари қилиб белгилаган А.Бобоев абитуриент К.Отаевдан олдиндан 1000 АҚШ долларини олиб, ваъдасини зумда унутиб юборди.

Жамиятимизда баъзи одамлар "келаверсин даромад, кетаверсин фалокат", деган иборани ишлатиб туришади. А.Бобоев ҳам шунга амал қилиб, "фаолияти"ни яна давом эттиради. Қашқадарё вилоятидаги касб-ҳунар коллежларидан бирига Н.Илҳомовнинг танишини директорлик лавозимига тайинлашнинг хизмат ҳақини 5 минг АҚШ долларига баҳолайди. Ундан ҳам иш бошлаш учун олдиндан 1000 АҚШ долларини беришини талаб қилади. Шундан сўнг "Бир марта оғзи куйган, қатиқни ҳам пуфлаб ичади", деган нақл Н.Илҳомовнинг миясига яшиндек урилади-ю, у бу ҳақда СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимларига мурожаат қилади. Фирибгар ўзининг хизмат хонасида 1000 АҚШ доллари олаётган пайтда департамент ходимлари томонидан ашёвий далил билан ушланди.

А.Бобоевнинг қилмишини атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди унга қонуний жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

# Ўзибўларчиликка йўл қўйилмайди

*Мана йигирма икки йилдирки, жамиятимизнинг барча жабҳаларида кенг қулоч ёзаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотлар, пировард натижада мамлакат иқтисодий-сиёсий салоҳиятининг юксалишига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз. Юртбошимиз таърифлаганидек: "Ислоҳотларнинг моҳияти халқ учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, содда қилиб айтганда, одамларни рози қилишдан иборатдир".*

**Азиза ТУЙҒУН,**
Мирзо Улуғбек туман прокурори ўринбосари

Шу билан бирга, мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки йилларидан бошлаб, ўз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасини белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида ўтган давр мобайнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганлиги ҳақида тўхталиб, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ҳамда бозор иқтисодиётининг асосларини, аввалambor, қонунчилик базасини шакллантириш учун етарли шароит яратишга қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Концепцияда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилиниши кўзда тутилган эди. Бугунги кунга қадар "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги ҳамда янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда эркин иштирок этиши, манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишда, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, ушбу қонунда конституциявий нормалар ҳам бевосита ривожлантирилиб, тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, субъектлари, кичик тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлик, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг бирлашмаларига оид қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, унда тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асоси, кредитлаш, суғурта қилиш, солиқ, ҳисоб ва ҳисобот билан боғлиқ нормалар ҳам ифода этилди. Энг муҳими эса, қонуннинг 18-моддасида тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатларининг яратилгани уларнинг қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш, ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари) ва даромадларини (фойдани) тасарруф этиш, ташқи иқтисодий фаолият, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари, ахборот олиш, фаолиятига аралашмаслик каби эркинлигини таъминлашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда молия-иқтисодиёт соҳасида қабул қилинаётган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бу борадаги ислоҳотларнинг асосий мақсади, энг аввало, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Бу борада прокуратура органлари томонидан ҳам бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек туман прокуратурасининг ташаббуси билан тумандаги назорат қилувчи органлар ҳамкорлигида туман ҳокимияти ва маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари иштирокида жорий йилнинг ўтган даврида 50 дан ошиқ учрашувлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларда тадбиркорларга уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тушунтирилиб, ушбу йўналиш бўйича қонунчилик тарғиботи ишлари олиб борилди. Учрашув натижаларига кўра 6 нафар тадбиркорга кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. 60 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, 24 нафар тадбиркорнинг рухсатномаларини расмийлаштириш масаласи ҳал этилди. Шунингдек, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган режавий ва режадан ташқари текширувлар ҳақида тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан доимий равишда назорат олиб борилмоқда ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда ўтказилган текшириш натижалари бўйича 26 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, шундан 6 нафарига ноқонуний равишда ундирилган 4 млн. 546 минг 500 сўм миқдордаги молиявий жарима суммасининг қайтарилиши таъминланди. Давлат назорат органларининг 26 та ноқонуний қарорлари прокурор протестига асосан бекор қилиниб, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 18 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, 2 та ҳолатда тадбиркорнинг ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортилгани аниқланиб, мазкур қарор прокурор протестига асосан бекор қилинди. Прокурор қарори асосида қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлиги учун 6 нафар мансабдор шахс маъмурий, 24 нафари эса интизомий жавобгарликка тортилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари давомида тадбиркорларга етказилган 16 млн. 546 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилиб, 5 нафар тадбиркорнинг манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризалари киритилди.

# Иқтисодиётнинг муҳим таянчи

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бундай эътироф, шубҳасиз, ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблаган инсоннинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар жамиятимизда демократиянинг ривожланиши, ҳуқуқий тарғиботнинг мустаҳкамланиши, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланишида, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда ўсиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.*

**Қаҳрамон ХОДЖАЕВ,**
СВОЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи

СВОЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг йилнинг ўтган даври мобайнидаги фаолияти давомида асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан профилактика, ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтирган ҳолда янги иш ўринлари яратиш, солиқ, валюта, хуфиёна иқтисодиёт ҳамда одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишга қаратилди. Профилактика ва ҳуқуқий тарғибот соҳасида жами 2929 та чиқишлар қилиниб, шундан оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар сони 1099 тани ташкил қилди.

Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш орқали янги иш ўринлари ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, улар йўлида учраётган маъмурий ғовларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар бесамар кетмаяпти. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун шарт-шароитлар вужудга келтириш борасида 274 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилиб, 370 та янги иш ўринлари яратилди. Мисол учун, Китоб туманида яшовчи фуқаро Ф.Азизовга қонуний тарзда фаолият юритиши лозимлиги тушунтирилиб, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида у томонидан ташкил этилган "Китоб ип йигирув" ОАЖга тикув дастгоҳлари ўрнатилиб, 50 нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланди.

Афсуски, тадбиркорларга яратилаётган қулай муҳитдан ўзининг нопок мақсадида фойдаланаётган айрим мансабдор шахслар учраб турибди. Мисол учун, Косон тумани Сарипул маҳалласида яшовчи тадбиркор Махманазарова Дилфузанинг аризаси юзасидан ўтказилган тадбирда "Косон деҳқон бозори" МЧЖ раиси ўринбосари вазифасида 2007 йилдан буён ишлаб келаётган Ш.Қурбоновнинг кирдикори фош бўлди. У бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланиб келаётган Д.Махманазароваға кўриқлаш хизмати учун тўловлардан озод қилиш ва савдо фаолиятини кенгайтиришга шароит яратиб беришни ваъда қилиб, 300 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтда ушланди.

Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бироқ, жамиятимизда одам савдосидек қабиҳ иллат билан шуғулланаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Бу борада олиб борилган ишлар натижасида 8 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, фуқаролар Р.Ботиров, Х.Ҳасанов ва бошқаларнинг аризаси юзасидан ўтказилган текшириш натижасида яна бир одам савдоси жиноятига барҳам берилди. Ғузор туман Қорқудуқ қишлоғида яшовчи Х.Нормуродов 2012 йил январида фуқаролар Р.Ботиров, Х.Ҳасанов, Н.Номозов ва Б.Кенжаевларни Россия Федерациясининг Якутск шаҳрига жўнатиб юборади. Бу шаҳарда уларни Х.Нормуродовнинг укаси М.Турсунов кутиб олиб, паспортларини олиб қўяди. М.Турсунов укалари Қ.Турсунов ва С.Турсуновлар билан бирга уларни мажбурий равишда қурилишда ишлатиб, ҳеч қандай ҳақ бермайди.

Терговолди текшируви давомида М.Турсунов уларнинг иш ҳақларини ўзи олиб, ноқонуний орттирган маблағига қонуний тус бериш мақсадида Шаҳрисабз туманидаги ҳовли-жойни онасининг номига 33 минг АҚШ долларига, "Ласетти" автомобилини акасининг номига 25 минг АҚШ долларига ҳамда "Эпика" автомобилини тоғасидан 21 минг АҚШ долларига сотиб олгани аниқланди.

Шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятига доир маълумотга кўра, М.Турсунов оила аъзоларига Россия давлатидан 657 минг АҚШ доллари жўнатганлиги маълум бўлди. Жиноятчиларга нисбатан суднинг ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Валюта маблағлари ноқонуний муомаласининг олдини олиш юзасидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 14 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 12 та жиноят иши қўзғатилди ва 2 та маъмурий ҳуқуқбузарлик оид иш юритилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 71180 АҚШ доллари, 114800 Россия рубли ва 134,1 млн. сўм олиб қўйилди.





**Саҳифаларда Сирдарё вилояти**

# Бунёдкорлик ва юксалишлар даври

Яхшибой ОЧИЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурори

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Вилоятда 6785 та тадбиркорлик субъектлари (фермер хўжаликларидан ташқари) рўйхатга олинган бўлиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 63 фоизи кичик тадбиркорлик сектори ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётда жами бандликнинг 78 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан таъминланган.

Жорий йилнинг 9 ойида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 92,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган эди. Амалда эса 115,3 млрд. сўм кредит маблағи ажратилиб, белгиланган режа 124 фоизга бажарилди. Ушбу кредит маблағлари ҳисобига 9203 та иш ўринлари яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол учун, Гулистон шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор З.Дадаев банкдан 70 млн. сўмлик кредит маблағи ажратилиши ҳисобига пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 12 нафар фуқаро иш билан таъминлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича ишлаб чиқилган манзилли Дастур асосида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қиймати 25,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 228 та сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилиб, 4596 та янги иш ўрни ишлашни истаган фуқаролар ихтиёрига ҳавола этилди. Масалан, Боёвут туманидаги "Омад Ҳамкор Текс" хусусий корхонасига гузар ташкил этиш учун 100 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши натижасида 20 та, Сайхунобод туманидаги "Зоврчи" МЧЖга техник хизмат кўрсатиш учун 50 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши ҳисобига 10 та янги иш ўрни вужудга келтирилди.

Хорижлик сармоядорлар ҳамда тадбиркорлар учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида берилаётган имтиёзлар ҳамда қулайликлар туфайли вилоятда қўшма корхоналар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 10 та шундай корхоналар ташкил этилди ва уларнинг сони 61 тага етди. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда ҳудудий инвестиция дастури ижроси бўйича 19 та лойиҳа амалга оширилиши учун 16,1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиниб, 296 та янги иш ўрни яратилган. Дастурга асосан Оқолтин туманидаги "Сардоба текстил" қўшма корхонасига 750 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, корхонада йилига 1,2 млн. дона тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 120 нафарга яқин фуқаро янги иш ўринларига эга бўлди. Сирдарё туманидаги "Peng Sheng" қўшма корхонасида 3,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги модернизация ишлари амалга оширилиб, корхонада Хитойнинг "ZTE" компанияси билан ҳамкорликда мобиль телефонлари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши эса 60 та янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда ишонч телефонлари имкониятларидан самарали фойдаланилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида "007" рақамли ишонч телефонига жами 29 та мурожаат келиб тушиб, шундан 22 таси қаноатлантирилди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Чунончи, "Шоввозлар имкониятлари" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Абдураҳмоновнинг Боёвут туман прокуратураси "Ишонч телефони"га қилган мурожаатига асосан банкдан 80 млн. сўм кредит маблағи олишда амалий ёрдам берилди. "Планет годс" МЧЖ раҳбари Б.Дилаваровнинг мурожаатига асосан ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё туман филиалидан автотехсервис хизматини ривожлантириш учун 127 млн. сўм кредит маблағи олишда ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ғайриқонуний тўсқинлик қилиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда. Мисол учун, Гулистон шаҳар ДСИ ходими Ф.Омонлиқов "Бердиёр Ҳамкор Билолбек" хусусий корхонаси раҳбари Б.Турабоевдан корхона фаолияти юзасидан маълумотнома расмийлаштириш ва корхонанинг 2012 йил якуний солиқ тўловлари бўйича ҳисоботларини қабул қилиш эвазига 250 минг сўм пулни пора тариқасида олганлиги учун жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Прокуратура диққат марказида турган яна бир масала тўлов ва шартнома интизомига риоя қилиш, муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликни бартараф этишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат кучайтирилганлиги билан боғлиқ. Бунда коммунал хўжалиги ва энергетика соҳасидаги тўловлар истеъмолчилар томонидан ўз вақтида тўланиши ҳамда 2013 йилда барча турдаги энергия ташувчилар ва коммунал хизматларнинг асосий турлари нархларининг чекланган миқдордан ошиб кетмаслигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонларининг ижроси алоҳида назоратга олиниб, мунтазам равишда таҳлиллар ўтказилмоқда.

Вилоятда дебитор қарздорликнинг умумий миқдори (2013 йил 1 сентябрь ҳолатига) 1078,7 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 145,1 млрд. сўмга кўпайган. Шундан муддати ўтган қарздорлик 3,5 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 3 млрд. сўмга камайган. Кредитор қарздорликнинг умумий миқдори 1301,8 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 259,6 млрд. сўмга, муддати ўтгани 33,4 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 26,5 млрд. сўмга ошган. Кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг таъминотчи корхоналар томонидан сурункали ундирилмасдан келиниши, қарздорликларни бартараф этишда ҳуқуқий воситалардан фойдаланишнинг етарли чоралари кўрилмаслиги муддати ўтган дебитор қарзларнинг ортишига шароит яратмоқда. Масалан, "Боёвуттумангаз" филиали мансабдор шахслари хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарагани оқибатида 34,8 млн. сўм миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлик вужудга келган. Ушбу ҳолат юзасидан Боёвут туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди.

Коммунал хизмат тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш юзасидан зарур чоралар кўрилаяпти. Бироқ шунга қарамай, мазкур соҳага оид қарорлар ижроси юзасидан мунтазам равишда ўтказилаётган текшириш ва таҳлиллар (2013 йил 1 октябрь ҳолатига) вилоят бўйича истеъмолчиларнинг коммунал хизматлари бўйича қарздорлиги 255,1 млрд. сўмни, шундан электр энергияси учун 123 млрд. сўмни ва табиий газ учун 132,1 млрд. сўмни ташкил этганини кўрсатди.

Ушбу соҳада ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, 3 та тақдимнома киритилди, 93 нафар шахс интизомий, 21 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, етказилган 106,8 млн. сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилиб, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди ва 227 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди. Масалан, "Мирзаободтумангаз" филиали мансабдор шахслари 6,3 млрд. сўм миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлик вужудга келишига йўл қўйишган. Ушбу ҳолат юзасидан Мирзаобод туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти Республика Президентининг 2004 йил 11 март кунги Фармони ҳамда Бош прокурорнинг 2004 йил 18 мартдаги 2-сонли буйруғидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича ишлаб чиқилган Дастурга кўра фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини кўзлаб, вилоят хўжалик судига 12 та 412,9 млн. сўмлик даъво аризалари киритилди. Шунингдек, 189 та боғ ва токзорчилик, 281 та сабзавотчилик, 2 та маҳсулотни қайта ишловчи, 122 та қорамолчилик, 37 та паррандачилик, 55 та балиқчилик, 28 та асаларичилик фермер хўжаликлари ташкил этилди, 637 та фермер хўжаликлари сервис хизмати бўйича кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилиб, уларда 5516 та янги иш ўринлари яратилди. Натижада режага нисбатан 30 тага кўп фермер хўжаликлари кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилди.

Деҳқон-фермер хўжаликларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 89,2 гектар ер майдони ажратиб берилишида, 78 тонна минерал ўғит, 56 тонна ёқилғи-мойлаш, 26 тонна чигит маҳсулотлари, 140 қути ипак қурти, 13 та техника, 30 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, 159,6 млн. сўм банк кредити, 31,8 млн. сўм нақд пул маблағи, 21,2 млн. сўм иш ҳақи, 12,2 млн. сўмлик дебиторлик қарзи ундирилишида ва янги очилган 43 та фермер хўжаликларига ҳисоб рақамлари очилишида ҳуқуқий-амалий ёрдам берилди. Жумладан, Ховос туман прокуратураси аралашуви билан тумандаги "Исмоилхон Хатамхонович" фермер хўжалиги ғалла майдонини сув билан таъминлаш мақсадида техника ёрдамида 300 метр узунликда ариқ қазилиб, сув танқислиги муаммоси ҳал этилди.

Қонунбузилиши ҳолатлари ва жиноятчиликнинг камайишидан давлат ҳам, жамият ҳам, фуқаро ҳам бирдай манфаатдордир. Ҳуқуқ амалиётида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишнинг энг оқилона йўли бу унинг олдини олишдир, деган қоида амал қилиб келади. Шундай экан, қонунчилик тарғиботи орқали аҳоли ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқаролар, айниқса, ёш авлодни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида прокуратура органлари ходимларининг масъулияти янада кучайтирилмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда, ўтган давр мобайнида қонунчилик тарғиботи йўналишида жами 5030 та тадбир ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали 453 та чиқишлар қилинди, жумладан, матбуот саҳифаларида 183 та, телевидениеда 135 та, радио орқали 135 та тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Бу йўналишдаги фаолиятимизни янада кучайтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Бугунги одамларнинг дунёқарашлари, прокуратурага бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Эндиликда улар прокуратурани ўз ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячиси деб билишади. Бундай юксак ишончни янада мустаҳкамлаш, ҳар соҳада қонун устуворлигини таъминлаш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади.

# Одам савдоси — аср муаммосига қарши курашиш барчанинг иши

*Мамлакатимиз истиқлолга эришган пайтдан бошлаб Юртбошимиз бошчилигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришиб келинмоқда. Ташқи дунё билан дўстона алоқаларни тобора мустаҳкамлаётган давлатимиз ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётганини жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.*

**Раҳматилла ТЎХТАМИШЕВ,**
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш, таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифалари қаторида эътироф этилади. Бунда асосий эътибор инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига қаратилаяпти. Аммо ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, афсуски, айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ғоят ачинарли ҳол эканлигини таъкидламай илож йўқ. Одам савдоси ана шундай жиноятлардан бири сифатида юртимизни ҳам четлаб ўтмади.

Айтиш жоизки, одам савдоси дунёдаги кўпчилик мамлакатларда мавжуд бўлиб, ҳал этишнинг ягона йўли — одам савдосининг олдини олиш, ўзига хос сабабларини аниқлаш, бартараф этиш, унинг оқибатларини имкон қадар енгиллаштириш, мазкур жиноят туридан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва одам сотиш билан боғлиқ жиноий фаолиятга қарши курашнинг миллий қонунчилик тизимида ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат.

Мамлакатимизда ҳам одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш ва бу борада содир этилган жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга. Шу боис ҳам, бу муаммони бартараф этиш ва унинг олдини олишга давлат идораларидан тортиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, умуман, кенг жамоатчилик жалб этилган. Давр муаммоси бўлган одам савдосига қарши курашиш борасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг қарорлари ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда одам савдосига қарши курашни самарали ташкил этиш мақсадида 2013-2014 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилган. Шунингдек, барча шаҳар ва туманларда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, ишчи гуруҳлар тузилган. Улар учун алоҳида хоналар ажратилиб, соҳага оид маълумотлар базаси ҳамда зарур жиҳоз, адабиётлар билан таъминланган.

Вилоят прокуратураси томонидан одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш ва оғир оқибатларини омма эътиборига етказиш мақсадида буклетлар нашр этилиб, баннер ва плакатлар аҳоли гавжум жойларга, автомобил, темир йўл, ҳаво транспорти бекатларига ўрнатилди. 2 та компьютер дастури ва 2 та услубий қўлланма тайёрланиб, одам савдосига қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи прокурор-тергов ходимлари, ички ишлар идоралари ходимлари, ҳудудий комиссия ва ишчи гуруҳи аъзолари хизмат давомида улардан фойдаланиб келишмоқда.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳудудий комиссияси аъзолари томонидан жорий йил давомида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида республика ва маҳаллий телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида 12 маротаба чиқишлар қилинди. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, ташкилот ва ўқув муассасаларида 176 маротаба давра суҳбатлари, ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари ўтказилди. Одам савдосидан жабр кўрганлар, шунингдек, чет элда бўлиб қайтган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликлар аниқланганда, уларни соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилган.

Вилоят прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги "Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг қуйи тизимлари, "Камолот" ЁИҲ бўлимлари ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда 26 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, унда 717 та ташкилот 6 423 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Мазкур ярмаркаларда 559 нафар шахс йўлланма билан ишга жойлашган бўлса, 507 нафарига маслаҳатлар берилди. Шунингдек, жорий йилнинг шу даврига қадар 32175 та янги иш ўринлари яратилганини қайд этиш лозим. Эътиборлиси, унинг асосий қисми (81,6 фоизи) туманлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундан ташқари, корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари асосида 1 207 та касаначилик иш жойлари ҳам яратилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида одам савдоси билан боғлиқ 17 та жиноят ишлари қўзғатилиб, уларнинг 7 таси айблов хулосаси билан судларга юборилди. 5 та жиноят ишининг тергови эса ЖПКнинг 364-моддаси тегишли бандлари асосида тўхтатилди, 1 таси тугатилди, 4 таси юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Афсус билан айтиш жоизки, бу турдаги жиноятларни содир этган 25 нафар фуқароларнинг 15 нафарини аёллар ташкил этади. 47 нафар жабрланганларнинг 8 нафари ҳам аёллар. Жумладан, фуқаро Г.Дудоладова Қозоғистон Республикасида яшовчи танишлари билан тил бириктирган ҳолда, Гулистон шаҳрида яшовчи Т.Бляшина, О.Мансурова, К.Смирновани алдаб, сотиб юбориш учун олиб кетаётган вақтида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан Г.Дудоладовага нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва суд ҳукмига кўра 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.




Прокуратура органлари томонидан бундан кейин ҳам аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида муҳокама этилиб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгилаб борилади. "Аср муаммоси" номини олган қуллик ва қабоҳатга қарши курашиш барчанинг иши эканини ҳис этган ҳолда, тарғибот ишлари давом этаверади.




*Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди. Концепцияда олтита устувор йўналишдан бири сифатида демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.*

# Фаровон турмушнинг бош омили

**Баҳромжон АЛИМДЖАНОВ,**
Избоскан туман прокурори

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий вазифаларни ҳам ҳал этиш талаб этилмоқда.

Концепцияда демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги янги Қонунлар ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган эди. 2012 йил 20 декабрда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ҳам юртимизда хусусий секторни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин амалий ифодаси бўлди. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган вазифалар асосида қабул қилинган мазкур қонун жорий йилнинг июнь ойидан кучга кирди.

Янги қонун мамлакатимизда рухсат бериш тизимининг асосий қоида ва тартибларини такомиллаштиришга йўналтирилгани, соҳада очиқ ва ошкораликни таъминлаш, бюрократик тўсиқларга барҳам беришга қаратилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан соҳа мутахассислари ҳамда тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун рухсат бериш тартиблари қисқартирилиб, соддалаштирилаётгани иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғига айланаётган хусусий секторнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини йил сайин ошириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, ҳисобот тизими ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштиришга оид Фармон ва қарорлари хусусий секторни ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир. Шунга мувофиқ бир-бирини такрорлайдиган ва ортиқча ўн битта рухсатномани бериш тартиби бекор қилинди. 2012 йилнинг 1 августидан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, хусусан, бекор қилиш ва бирлаштириш эвазига 15 та лицензияланадиган фаолият турлари қисқарди. Ўтган йилнинг биринчи сентябридан тадбиркорларга рухсат бериш билан боғлиқ ҳужжатлар яна 50 тага камайди. Ушбу фаолият билан боғлиқ барча муносабатлар "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинаётгани, рухсатномалар ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини жорий этиш тақиқлангани ҳам хусусий секторни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, тадбиркорлар ўз вақтларини, айланма маблағларини тежаб, уларни янги корхоналар барпо этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтириши учун қулай шароит яратилди. Буларнинг барчаси кучли фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда инсон манфаатлари ва қонун устуворлиги таъминланаётганидан далолатдир.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги таъминланган ушбу қонунда рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг "бир дарча" орқали берилиши мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам катта аҳамиятга эга.

Мазкур қонун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, юртимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Туманимизда ҳам замонавий технология билан жиҳозланган ўнга яқин янги корхоналар ташкил этилган. Уларнинг пахта толасини қайта ишлаши натижасида ишлаб чиқараётган калава ип, трикотаж мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари буюртмачиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. "Uzandlyukstekstil" хорижий сармоя иштирокидаги масъулияти чекланган жамиятида 26 нафар, "Mars invest-teks" масъулияти чекланган жамиятида 91 нафар, "Uzbek ank spining" Корея хорижий корхонасида 98 нафар ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Nanyang red cotton angel textile" Хитой хорижий корхонасида 460 нафар киши иш билан таъминланди. Цехларда ўрнатилган энг серунум ускуналарни билим ва маҳоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда кўрсатаётган коллеж битирувчилари бошқармоқда.

# Юртимиз узра улкан бунёдкорликлар



***Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорликлар, яратувчанликлар жадал суръатлар билан кенг кўламда давом этмоқда. Шу жумладан, Хоразм вилоятининг шаҳар ва қишлоқлари ҳам кун сайин чирой очиб, обод бўлаяпти.***

***Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги, "Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари, Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳаларини ривожлантириш тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш кундалик фаолият асосини ташкил этаётир. Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида жойларда бўлиб, бундай хайрли ишларнинг гувоҳи бўлдик.***

Урганч шаҳрида барпо этилаётган "Ёшлар кўли"нинг қурилиш, реконструкция ишлари билан танишиш жараёнида вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари **Қудрат Саъдуллаевни** учратиб, у билан суҳбатлашдик.

— Кўриб турганингиздек, қисқа вақт мобайнида қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган "Ёшлик кўли" атрофида қурилиш, реконструкция, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари тезкорлик билан деярли битказилди. Эндиликда бу маскан болажонларнинг, ёшларнинг бўш вақтларини янада мазмунли, фойдали ўтказиш имконини беради, — дейди Қудрат Юсуфбоевич. — Тез кунларда Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам ёшлар учун жуда катта имкониятлар яратилади, — дея бизни боғ томон бошлади суҳбатдошимиз. — Бу ерда қурилаётган "Бахт уйи" ва "Ёшлар маркази" бинолари бугунги кун талаблари асосида, замонавий услубда бунёд этилаётир. "Ёшлар маркази" фаолиятини бошлагач, бу жойда маънавий-маърифий, маданий ва бошқа йўналишлардаги тадбирларни мунтазам ўтказиш учун барча шароитлар яратилади.

***— Демак, бу боғ ёшларнинг севимли масканига айланади.***

— Албатта, келажакда мазкур соя-салқин, сўлим оромгоҳда янги аттракционлар ўрнатилади. Ёш санъаткорлар иқтидорини намоён қилишлари учун концерт майдончаси ҳам қурилади. Шунингдек, Тошкент ҳайвонот боғининг Урганч филиали ташкил қилиниши режалаштирилган. Ҳозирда эса кичик амфитеатрлар, кўнгилочар гуруҳларнинг чиқишлари учун махсус майдончалар барпо этилаётир. Музқаймоқ кафелари, дам олиш жойларидаги фавворалар ёз фаслининг янада файзли бўлишига имкон яратади. Айниқса, болажонлар "поезд"ларда сайр қилиши, қадимий арава-фойтунда саёҳат этишлари учун қурилаётган махсус йўлаклар, боғ ҳудуди ва унинг ичкарисидаги харита йўналишлари ота-оналар, болажонлар, меҳмонлар учун қулайликлар яратади.

***— Вилоятимиз ўқув муассасаларида ҳам ёшларнинг чуқур билим олиши, иқтидорини рўёбга чиқариши учун шароитлар етарли. Бу ёшларимиз эришаётган ютуқларда намоён бўлаяптими?***

— Албатта, ўқувчи-ёшларнинг муваффақиятларидан қувонса арзийди. Урганч Олимпия захиралари коллежига борсак, ўша ерда бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Коллежга кириб борганимизда залларда ўқувчилар спортнинг қатор турлари билан шуғулланаётган экан. Мураббийлар машқларни ҳар бир болага қунт билан ўргатиб, тавсия, маслаҳатлар берар эди. Устозлар эса ўз ўқувчиларининг республика, халқаро мусобақалардаги ғалабаларини қувонч билан сўзлаб беришди.

Россия Федерациясида ўтказилган халқаро турнир ғолиби Абдурасул Исломов вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини фахр-ифтихор билан сўзлади.

— Биз ёш спортчиларнинг бугун қувончимиз чексиз. Ўзимиз таҳсил олаётган коллежда бу йил реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳардаги "Ёшлик" кўчасида "Спорт шаҳарчаси" барпо этилмоқда. Спорт мажмуасида барча қулайликларга эга гимнастика зали, яна қўшимча 20 та спорт зали, сузиш ҳавзаси, ёпиқ манежлар қурилаётганидан янада хурсандмиз, — дейди Абдурасул.

Шунингдек, Қ.Саъдуллаев Қўшкўпир туманида болалар гимнастика маркази, Янгиариқда болалар футбол стадиони, "Хоразм бадминтон" маркази спорт мажмуалари ташкил этилиб, улар ҳам энг замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланади деганда, ушбу туманлардан келиб, коллежда ўқиётган ёшлар ҳаяжонларини яшира олмай, қарсак чалиб юборишди.

Биз Урганч туризм коллежида бўлганимизда, ушбу даргоҳнинг талабалари Юртбошимизнинг Хоразм вилоятида туризм соҳаларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларидан жуда мамнун эканликларини, эндиликда мазкур ҳужжат маҳаллий ёшларга ҳам катта имкониятлар яратиб беришини таъкидладилар.

— Мен ушбу коллежнинг туристик хизмат менежери йўналишининг 3-босқич талабасиман, — дея ўзини таништирди Жаҳонгир Норматов. — Бу йил коллежни тугатиб, мутахассислигим бўйича дипломга эга бўламан. Вилоятимизга сайёҳларнинг қизиқиши юқори эканлиги ҳисобга олиниб, шаҳримизда туризм коллежи учун янги бино қад кўтараётганидан бошимиз осмонга етди.

— Туризм ривожланаётган воҳамизда, яъни Урганч шаҳридаги барча меҳмонхоналарни реконструкция қилиш, янгидан қуриш ишлари жадаллашмоқда. Шунингдек, Ал-Хоразмий кўчасининг ўзида 4 та замонавий меҳмонхона қурилади, — деб қўшимча қилди Қ.Саъдуллаев. — Яна шуни таъкидламоқчиманки, вилоятда меҳмонхона хўжалиги ва туризм инфратузилмасини қуриш, қайта таъмирлаш масалалари бўйича ишчи гуруҳлари фаолият юритаяпти. Маълумки, вилоятимизга ташриф буюрган сайёҳлар, меҳмонлар, энг аввало, Урганч шаҳрига келиб тушади. Шу сабабли Урганч темир йўл вокзали бутунлай қайта реконструкция қилиниб, бу ерда 8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бугун вокзал биносининг ичкарисида йўловчилар учун барча қулайликлар бор. Ҳозирда эса Урганч халқаро аэропортида ҳам кенг кўламда реконструкция, қурилиш ишлари олиб борилаётир. Айни вақтда Ўзбекистоннинг қатор шаҳарларидан ташқари Урганч-Париж, Урганч-Милан рейслари йўлга қўйилган бўлса, келажакда Урганч-Франкфурт-Майн йўналиши бўйича янги рейслар очилиши режалаштирилган.



***Шу куни суҳбатдошимиз билан Урганч саноат-транспорт касб-ҳунар коллежига ҳам бордик. Ўқувчилар бизни "Чирой очар она Юртим" дея номланган тадбирга таклиф этишди. Тадбир давомида ҳар бир ёш ўзи туғилиб, вояга етаётган шаҳри, қишлоғи йилдан-йилга обод бўлиб бораётганини фахр билан таъкидладилар.***

— Президентимизнинг қарори асосида икки йил давомида 250 та лойиҳани амалга ошириш бўйича қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, барча ҳудудларда ўзимизда етиштирилган мева, сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи 100 дан зиёд корхоналар шу йилнинг ўзида иш бошлайди. Шунингдек, мазкур қарорга асосан гўшт ва сут, қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ўнлаб корхоналар ташкил этилади. Бу корхоналарга эса сиз каби мутахассислар жуда зарур, — деди Қ.Саъдуллаев. — Шу йилнинг ўзида вилоятимизда 60 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилади. Бунда айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлиги тўла таъминланади. Шунингдек, яна фермер хўжаликлари, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби соҳаларда 3 мингга яқин иш ўринлари яратилаяпти. Қувонарлиси, вилоятимизда кам қувватли саноат корхоналарининг фаолиятини молиявий соғломлаштириш ҳисобига енгил саноат тармоғида 34 та, фармацевтика соҳасида 12 та, чарм пойафзал саноатида 9 та, қурилиш материллари ишлаб чиқаришда 57 та, электр товарлари ишлаб чиқаришда 6 та, машинасозлик тармоғида 16 та, бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналарда эса 11 та (102,7 млн. долларлик) лойиҳани амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 45 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

2013-2017 йилларда Урганч шаҳрининг муҳандислик-коммунал тармоқларини ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича 234 та чора-тадбирлар амалга ошириладн. Шу билан бирга, Урганч шаҳар ижтимоий бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва архитектура қиёфасини ўзгартириш учун 127 та лойиҳанинг бажарилиши ҳисобига 508,2 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилади. Жорий йилда вилоят бўйича ичимлик суви ва канализация тармоғини ривожлантириш мақсадида 42 та чора-тадбир бажарилиши ҳисобига 391,3 млрд. сўм ўзлаштирилмоқда.

Вилоят аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 45 та янги автобус, 50 та микроавтобус келтирилди. Янги, замонавий, қулай тўхташ жойлари қурилмоқда. Аҳолига троллейбусларда хизмат кўрсатишни кенгайтириш учун янги маршрутлар ташкил этилиб, парк тизимини янгилаш учун Чехиянинг "Шкода электрик" жамиятидан 9 та троллейбус сотиб олинди.

Вилоятимиздаги яна бир муҳим қурилиш ҳақида тўхталсак, бугун Шовот канали қирғоғидаги ишлар натижасида ушбу ҳудуднинг қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Шовот каналининг 14,6 км. узунликдаги қирғоғи атрофи ободонлаштирилмоқда. Каналларнинг кўприклари реконструкция қилинди. Қирғоқлари мармар гранит қопламаси билан қопланди. Бу қурилишларга Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларидан малакали, тажрибали мутахассислар жалб этилган. Келгусида бу ҳудуд меҳмонлар учун сайлгоҳ бўлиши кўзда тутилган. Канал қирғоқларида қайиқлар тўхташ жойлари, савдо ва хизмат кўрсатиш каби шохобчалар барпо этилди. Шунингдек, канал қирғоқларидан ҳар бир вилоятга 2 км. майдон ажратилган. Сабаби бу ерда "Дўстлик" боғи бунёд этилади. Шунингдек, мазкур ҳудудда Англиянинг "Старкросс финанс" фирмаси томонидан меҳмонхона қурилади.

***— Ёшлар иқтидорини янада оширишдаги янги режалар, мақсадлар ҳақида ҳам тўхталсангиз...***

— Таъкидлаб ўтиш жоизки, Урганч шаҳрида Тошкент тиббиёт Академияси Урганч филиали ҳамда Урганч Давлат университети қайта реконструкция қилинган бўлса, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали эса янгидан қурилиб битказилди. Шу билан бирга, Вестминстер мактаби ва Хивада Сингапур менежмент ва тадбиркорлик университетининг филиаллари ташкил этилиб, биноларнинг қурилиш ишлари бошланган. Бу ҳам ёшларнинг келажаги, истиқболи йўлидаги эзгу ишлардир.

***Қишлоқлардаги намунавий уй-жойлар билан танишиш учун Хонқа туманидаги Олажа ва Қиркёп қишлоғига ҳам суҳбатдошимиз билан ташриф буюрдик.***

— Янги уйга кўчиб ўтганимиздан жуда бахтиёрмиз. Фаровон яшашимиз учун барча шароитлар бор. Хоналар кенг, ёруғ ва файзли, — дейди "Пахтакор" маҳалласидаги намунавий уйлардан бирининг эгаси Умарбек Ражабов.

— Ўтган йилда вилоятимиз қишлоқларида 650 та янги турар жой қурилди, — деб суҳбатни давом эттирди Қ.Саъдуллаев. — Яна 730 та намунавий асосдаги турар жойлар қурилиши давом этмоқда. Қишлоқ аҳли бундай замонавий, барча қулайликларга эга уйлар қурилаётганидан ниҳоятда мамнун.

**Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ**
суҳбатлашди

# Оила манфаатлари давлат ҳимоясида

Қаҳрамон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бугун мамлакатимизда оила манфаатлари ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланган. Бош Қонунимизда "Вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир", деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шу конституциявий норманинг ҳаётдаги ифодаси ўлароқ, Ўзбекистонда ижтимоий адолатга асосланган кучли ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва асосий тамойилига айланди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари халқнинг фаровон ҳаёт кечириши, ёш авлоднинг манфаатлари таъминланишини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифасини қўйди.

Айниқса, жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Обод турмуш йили" деб эълон қилинганлиги, биринчи навбатда оила фаровонлиги, фарзандлар келажагини таъминлаш, улар ҳимоясини мустаҳкамлаш, қолаверса, она ва боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда масъулиятимизни янада оширди.

Юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан алимент тўловлари ва фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси тизимидаги туман ва шаҳар бўлимлари томонидан вояга етмаганларнинг моддий таъминоти учун алимент пулларини ундиришда муайян ишлар қилинган. Жумладан, Олмалиқ шаҳар бўлимида 942 та ижро ҳужжатлари бўйича 347 млн. 657 минг 24 сўм, Паркент туман бўлимида 36 та ижро ҳужжати бўйича 205 млн. 218 минг сўм, Чиноз туман бўлимида 52 та ижро ҳужжатлари бўйича 30 млн. 100 минг сўм, Бўка туман бўлимида 138 та ижро ҳужжатлари бўйича 60 млн. 100 минг сўм, жами 1168 та ижро ҳужжатлари бўйича 643 млн. сўмдан ортиқ алимент қарзлари ундирилган.

Шу билан бирга, вилоят прокуратураси томонидан алимент билан боғлиқ 72 та ариза ва шикоятлар назоратга олинганлиги натижасида 35 млн. 859 минг сўмлик қарздорлик тўлалигича ундирилиши таъминланди. Мисол учун, фуқаро Б.Эргашеванинг алимент ундириш тўғрисидаги суд қарори ижроси таъминланмаётганлиги тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди. Унда аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2010 йил 21 октябрдаги қарорига мувофиқ чиқарилган ундирувчи Б.Эргашева фойдасига тўрт нафар фарзандининг моддий таъминоти учун қарздор Э.Эргашевдан барча даромадидан 1/2 миқдорида алимент ва фарзандлари 3 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда 50 минг сўмдан таъминот пулларини ундиришга оид ижро ҳужжати 2011 йил 23 мартда суд ижрочиларининг Олмалиқ шаҳар бўлимига келиб тушади ва шу куни ижро иши юритилади.

Қарздор Э.Эргашев томонидан тўланмай келинаётган алимент пулларини ундириш чоралари кўрилди. Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида ўтган йилнинг 17 декабрида 500 минг сўм, жорий йилнинг 14 январь куни 3 530 127 сўм ундирилиб, қарздорлик бартараф этилди.

Бундан ташқари, фуқаро Н.Ёдгорованинг бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун белгиланган алимент пуллари ундирилмаётганлиги тўғрисида ёзган аризаси асосида Тошкент вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижасига кўра қарздор А.Салимовдан 7 021 760 сўм алимент пуллари даъвогарга тўланиши таъминланди. Шундай мазмундаги ариза фуқаро А.Джурақуловадан ҳам келиб тушди. Унинг аризаси ҳам назоратга олиниб, текшириш ўтказилгандан сўнг 500 минг сўм алимент пуллари даъвогарга тўланиши таъминланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, энг аввало, барчамиз оилаларимизни асрайлик, унинг мустаҳкам бўлишига, фарзандларимизнинг баркамол ва ҳеч кимдан кам бўлмасдан камол топишига ҳаракат қилайлик.

# Фирибгарликни касб қилиб...

Анатолий МИРЗАЕВ,
Олтиариқ туман прокурори
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Нидиқ»

***Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланиб, фуқароларнинг реал даромадлари ортиб бормоқда. Даромадларини яшаш шароитларини яхшилаш, янги уй-жойлар қуриш билан бирга узоқни яқин қиладиган, ишда, турмушда асқотадиган автоуловлар харид қилишга сарфлашмоқда.***

Юртимизда, хусусан, Асака автомобил корхонасида ишлаб чиқарилаётган ҳар томонлама қулай, турли русумли енгил автомашиналарга талаб таклифга нисбатан ортиб бораётгани туфайли тўловларни амалга оширган фуқароларга автоуловлар навбат билан, шартномада кўзда тутилган муайян муддатларда етказиб берилмоқда. Бу эса енгил даромад топиш илинжида бўлган айрим нопок шахсларга қўл келмоқда, шартномада кўрсатилган муддатни кутишни хоҳламаган шошқалоқ фуқаролар айнан ана шундай фирибгар "диллер"ларнинг қармоғига илиниб қолишяпти.

Хусусан, "устомон"лардан бири, андижонлик Назиржон илгари ҳам фирибгарлик жиноятини содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, судланганига қарамасдан ўзига тегишли хулоса чиқармаган. Фарғона шаҳридаги расмий никоҳсиз уйланиб олган аёлининг хонадонига навбатдаги ташрифида "жуфти ҳалоли"нинг опаси таниш савдогарлардан бири автомашина харид қилмоқчи бўлиб юрганини айтади. Назиржон у билан юзлаштириб қўйишни сўрайди. Учрашгач, "эски ҳунари"ни ишга солиб, харидорни алдаб-авраиди.

— "Нексия" оласизми, бир ҳафтада заводдан олиб чиқаман, — дея ёш йигитнинг кўнглини пуч ёнғоққа тўлдиради. — Янги машинани ўзим уйингизга миниб келаман. Ҳозир ярим пулини берсангиз, қолганини калити қўлингизга тегканда бераверасиз. Хоҳласангиз, тилхат ёзиб беришим мумкин...

Шу тариқа машинани нақд қилиб қўйиб, пулни олиб кетган "даллол" ўн беш кун ўтса ҳам қорасини кўрсатмайди. Харидорнинг телефон қўнғироқларига жавоб бермай қўяди. Бир ой ўтиб, чув тушганига ақли етган соддадилнинг аризаси бўйича ИИБ ходимлари излаб боришганида кекса ота-онаси уч-тўрт кундан буён уйга келмаяпти, дея ҳайрону лол бўлиб қолишади. Хорижда яшириниб юришга уринган фирибгар ушланиб, қилмишига яраша жазоланди.

Шу тарзда алданган бошқа бир фуқаронинг аризасида келтирилган ҳолатлар тасдиқланиб, олтиариқлик ва асакалик автофирибгарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки терговда муқаддам фирибгарлик жиноятини учун бир неча маротаба судланган айбланувчилар яна бир неча фуқарони ҳам алдаб, қўлга киритган пулларни ҳазм қилиб юборган ҳолатлар фош этилди.

30-34 ёшга киргунча фирибгарлик жиноятларини содир этиб, уч маротабадан судланишга улгурган олтиариқлик Дилшодбек Срожидинов ва Мадаминжон Ҳамитов ҳамда уларнинг жиноий шериги, муқаддам икки маротаба судланган, асакалик Ҳамиджон Салиевлар сўнгги бор жиноят ишлари бўйича Сўх туман суди томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ даврида такроран жиноятга қўл уришади.

Фирибгарлар аввалдан тузиб олинган режа бўйича иш кўришади. Д.Срожидинов ва М.Ҳамитовлар автоулов харид қилиш ниятида юрган содда одамларни асакалик танишимиз ялтироқ янги машинани заводнинг ўзидан олиб чиқиб беради, дея қармоққа илинтириб, Асака шаҳридаги жиноий шериклари Ҳ.Салиевга рўпара қилишади. У заводдаги танишни орқали машинани олиб чиқиб беришини ишонтириб, харидорларнинг кўнглини тўқ қилади. Шу тариқа учала фирибгар қўлга киритган пулларни бемалол ўз эҳтиёжлари учун сарфлашаверади.

Дастлаб, Д.Срожидинов ва М.Ҳамитовларнинг қармоғига навбатсиз машина сотиб олмоқчи бўлиб юрган олтиариқлик Ю.Қосимов илинди. У асл мақсадларини билмаган ҳолда фирибгарлардан "Матиз" русумли машинани тезлаштириб олиб беришни илтимос қилди. Фирибгарларнинг сўзларига чиппа-чин ишониб, 12 млн. сўмни қўлларига тутқазди. Ови юришган фирибгарлар "Дамас" русумли машина олиб беришни сўраган О.Раҳмоновнинг 14 млн. сўм, "Матиз" русумли машина олиб беришни илтимос қилган фуқаролар А.Усмоновнинг 13 млн. сўм, У.Қорабоевнинг 12 млн. 800 минг сўм, А.Маруповнинг 12 млн. сўм пулларини шилиб олишади.

— Машинангизни янгилаб олсангиз бўларкан, — дея фуқаро А.Абдуқодировга қармоқ ташлашади. — Асакадаги оғайнимиз бенавбат олиб беради.

— Буни сотиш ҳам бор-да, — дея бошини қашлайди "Нексия" ҳайдовчиси.

— Бизга беринг машинани. Сотиб, пулига янгисини келтириб берамиз.

А.Абдуқодировнинг ҳуши бошидан учиб, машинани қандай топшириб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Эски "Нексия"нинг 7100 АҚШ долларига сотиб, пулни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган фирибгарлар А.Абдуқодировни янги машина эртага келади, индинга келади, завод ремонтга тўхтабди, ҳозир машиналар фақат экспортга кетяпти экан, яна бироз сабр қилинг, дея лақиллатиб юришаверди.

— Машинангизни сотиб, ўрнига янгисини олиб берамиз, деган гапларига ишониб қолибман, — дейди жабрланувчи А.Абдуқодиров суд мажлисида. — Менга етказилган зараримнинг ўрнини қоплашди...

Айбларига иқрор бўлган судланувчилар жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаганларини айтиб, енгиллик беришни сўрашди. Иқрорликларидан ташқари уларнинг айби жабрланувчиларнинг кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланди. Суд томонидан уларга Жиноят кодексининг 168-моддасида кўзда тутилган, етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги татбиқ этилиб, муқаддам ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшган, судгача қамоқда сақланган муддатни айириб ташлаган ҳолда икки-икки ярим йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Жазо муқаррарлигининг таъминланиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайишига таъсир ўтказиши табиий. Жазони ўтаганидан сўнг чинакамига товба қилган шахслар ҳалол ишлаб яшашга интилишади. Бироқ айрим муқаддам жиноий жавобгарликка тортилганидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган, қонунни менсимаган фуқаролар томонидан такроран жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Олтиариқ тумани "Ермулккадастр" хизмати турар жой гуруҳининг мутахассиси Манзура Қаюмова Сўх туманининг "Ленбург" қишлоғида яшовчи Н.Ниматовнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида Фарғона шаҳар ҳудудида савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш хусусидаги мурожаатидан "фойдаланиб" қолишни кўзлади. Фирибгарлик, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан бировнинг мулкини қўлга киритиш мақсадида Н.Ниматовни гўё дўкон қуриш учун 4,8 сотих ер майдони ажратиш масаласини ҳал қилиб берувчи Фарғона вилоят Ер ресурслари ва Давлат кадастр бошқармаси бошлиғига пора — 2000 АҚШ доллари беришга ундайди, бунинг учун ўзининг "воситачилик хизмати"ни таклиф қилади. Дастлабки ҳужжатларни тайёрлаш учун, дея алдаб олган 100 АҚШ долларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборади. Ер майдони ажратилишига барча ҳужжатлар тайёр бўлганини айтиб, "хизмат ҳақи" тариқасида 4 млн. 800 минг сўм пул беришни талаб қилади. Н.Ниматовнинг аризаси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда М.Қаюмова "Қапчуғай" қишлоғи ҳудудида 3 млн. 500 минг сўм пулларни олган чоғида ушланди. Фирибгар аёлнинг иши судда кўриб чиқилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН

**«Хоразм универсал аукцион инвест» МЧЖ нархлар ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2013 йил 3 декабрь куни соат 11:00да Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 30-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилояти Хива тумани Гагарин кўчаси 86-уйда жойлашган "Хива молия бўлими"га қарашли "ДАМАС" русумли, д/р: 90 317 JAA, молия бўлимида сақланаётган, хизмат кўрсатиш тех. носоз, 1996 йилда и/ч автомашина қўйилади. **Бошланғич баҳоси — 2 601 040 сўм.** Ушбу куни сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий савдолари 2013 йил ҳар сешанба кунлари бўлиб ўтади. Аукцион савдосида қатнашувчилар қуйидагиларни тақдим этишлари шарт, кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;

— бошланғич баҳонинг 100 фоизи миқдорида гаров пули "Хоразм универсал аукцион инвест" МЧЖ. МФО: 00580, ИНН: 302452575 Урганч шаҳар АИТБ "Ипотека банк" Тинчлик филиали 20208000305011133001 ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пули тўлаган харидорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00гача қабул қилинади. Аризалар расмий иш кунлари соат 09:00дан 18:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик вақти). Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин. Сизларни қизиқтирган барча саволлар билан қуйидаги телефон орқали маълумот олишингиз мумкин:

**Телефон: +99891 577-82-83.**

**Гувоҳнома № 50700.**
**Хизматлар лицензияланган**

*— Эй, оғайни, неча марта айтишим керак гапимга киргин, деб. Ахир, яхши иш, мўмай ойлик билан таъминлаб бераман, деяпман-ку! Бор-йўғи темир йўл қурилишида ишлайсизлар, эвазига 300 дан 500 гача АҚШ долларини қуртдек санаб оласизлар. Хўш, нима дейсиз, розимисиз?*

# Ҳар ким экканини ўради



**Расул РАҲМОНОВ,**
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Етарли шароит, яхшигина ойлик Қумқўрғон туманида истиқомат қилувчи А.Абдураимов, Х.Эшмирзаев, Ш.Саломов, У.Холматов, М.Холдоров, Б.Ҳужжатов, А.Менгтўраев, С.Жумаев ҳамда Ҳ.Зафаровларни шунчалар қизиқтириб қўйдики, улар қандай қилиб Шамсиддин Саломовга рози эканликларини айтишганини ўзлари ҳам билмай қолишди.

"Айтилган гап, отилган ўқ". Кўп ўтмай Ш.Саломов қаерда бўлса ҳам мўмай даромад топиш илинжида йўлга отланган йигитларни бошлаб, пойтахтга олиб келди. Сўнгра уларни Тошкент-Новосибирск йўналишидаги поездга чиқариб, паспортларини йиғиб олди-да, жиноий шериги Б.Шатураевга топшириб, ўзи орртга қайтди. Алдов қурбонига айланган йигитлар бўлса, Владивосток шаҳрига бориб, ваъда қилинган ишлар ўрнига турли юмушларни бажара бошлаганларидан кейингина чув тушишганини пайқашди. Аммо, энди кеч эди.

Бу пайтда эса, Ш.Саломов навбатдаги қурбонларига "тўр" ташлашга киришган эди. Омади бор экан, бу сафар ҳам "ов"и бароридан келди. Бу гал Қумқўрғонлик Ш.Саматов, Ў.Эшбоев, Ш.Данияров, С.Жумаев, Б.Чориев, А.Бобохонов, Б.Мустанов, Х.Бурхонов, Х.Абдумўминов, М.Рўзиев, З.Тўраев, А.Қораев, Х.Шокиров, С.Асатов ҳамда Бандихон туманида яшовчи фуқаролар Ш.Алиев, Ш.Алиқулов, Б.Бегмуродов, А.Бойматов ва А.Максимовлар унинг хорижда 300 дан 1000 АҚШ долларигача ойлик берувчи иш борлиги ҳақидаги чўпчагига ишониб, тузоғига илиндилар.

Иш ҳамда яшаш шароитлари яхши, рухсатнома ва вақтинчалик "прописка"ларингизни ўзим қилиб бераман, деган гапларга ишониб, паспортларини ўз қўллари билан Ш.Саломовга тутқазишди. Уларни аввал Қозоғистонга, у ерда бир ой ушлаб, сўнгра Владивостокка жўнатган Ш.Саломов бу ҳақда Б.Шатураевга хабар қилди. Ўзи ҳам кўп ўтмай уларнинг ортидан Владивостокка етиб келди. Бу сафар ҳам илгариги ҳолат такрорланди: ёлланма ишчиларнинг паспортлари ҳужжатлаштириш учун йиғиб олинди ва уларни турли оғир ишларни бажаришга мажбур қила бошлашди.

Ҳар қандай ишнинг ибтидоси бўлганидек, интиҳоси ҳам бўлади. Бировнинг ҳуқуқини чеклаш орқали моддий манфаат орттиришни кўзлаган одамфурушларнинг охир-оқибат ноқонуний фаолиятларига чек қўйилди ва уларга қилмишларига яраша жазо тайинланди. Ҳа, ҳар ким экканини ўради, деб бежиз айтишмаган.



# Аёл қўлидаги «ажал уруғи»

***Гиёҳвандлик иллатининг инсон ва жамиятга салбий таъсири ҳақида жуда кўп гапирилган. Аммо бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг долзарб муаммосига айланган гиёҳвандлик балосига қарши қанчалик курашилмасин, бундай ҳолатлар ҳамон учраб турибди.***

**Ҳакимжон АЮБОВ,**
Қуйи Чирчиқ туман прокурори

Хусусан, ёш авлодни бу хатарли балодан сақлаб қолиш ташвишида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ нафсининг қулига айланган айрим кимсалар мўмай даромад илинжида одамлар орасига "ажал уруғи"ни сочишдан тойишмаяпти. Жумладан, эр-хотин Жумақўзи Раҳимов ва Гулсанам Боқиевалар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланишга бел боғлаб, "оилавий иш"ни бошлаб юборишган экан.

2012 йилнинг баҳорида тайлоқлик аёллар билан танишиб, "қора дори" савдоси бўйича "битим" имзолаган Жумақўзи баҳордан кузнинг сўнгги ойига қадар улар томонидан ноқонуний йўллар билан мамлакатимизга олиб келинган кўп миқдордаги опий ва гашиш гиёҳвандлик воситаларини сотиб олади. "Товар"ни ўзининг "Дамас" русумли автомашинасига юклаб, Самарқанддан Тошкент вилояти томон йўл олган Ж.Раҳимовнинг хаёлини бунинг ортидан келадиган миллионлар банд этганди. Манзилга етиб келган Жумақўзи турмуш ўртоғи Гулсанамнинг ёрдами билан гиёҳвандлик воситаларини чинозлик ва янгийўллик мижозларига сотишнинг уддасидан чиқади. Шу тахлит ўз "бизнес"ларини ривожлантириб бораётган бу шахслар кўп ўтмай бундай қабиҳ ишларининг миси чиқишини ўйламаган бўлсалар ҳам керак.

2012 йилнинг 24 ноябрь куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Чиноз тумани ҳудудида турмуш ўртоғининг автомашинасига чиқмоқчи бўлиб турган Г.Боқиева тўхтатилиб, унга тегишли буюмлар кўздан кечирилди. Текширув давомида Гулсанамнинг қўлидаги сумкасидан кўрпача шаклида тикилган мато ичига яширилган қора рангли полиэтилен пакетда скочланган модда топилиб, холислар иштирокида расмийлаштирилди.

Судга оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, Г.Боқиевадан олинган модда опий гиёҳвандлик воситаси бўлиб, унинг соф вазни 55,57 граммни ташкил этди.

Шунингдек, судга оид наркологик экспертизанинг хулосасидан жиноий гуруҳ аъзолари Ж.Раҳимов, А.Маликов, А.Абдужалилов ва Т.Тўлагановлар гиёҳвандликдан мажбурий тарзда даволанишга муҳтожликлари ҳам маълум бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туман суди томонидан "ажал уруғи тарқатувчилар" ва уларнинг ҳамтовоқларига қилмишларига яраша жазо тайинланди.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## «CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**I.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 28 июндаги 92 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 33-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси — 414 315 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) нотурар жой биноси очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сақловчининг номи:** "Ғишт Заводи" хусусий корхонаси.

**Фаолияти ихтисослиги:** Ишлаб чиқариш.

Ер участкасининг умумий майдони — 0,0496 га.

Бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 496,0 кв.м.

Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 62 147 250 сўм миқдоридаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача ОАТБ "Турон банк" Миробод ф-лидаги: 20208000904916649001, МФО: 00986, СТИР: 301949454 ҳ/р.га тўлашлари шарт.

**II.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 28 июндаги 91 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Шимолий кўчаси, 55-уйнинг биринчи қаватида жойлашган, **бошланғич баҳоси** — 770 556 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) нотурар жой биноси очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сақловчининг номи:** "Ғишт Заводи" хусусий корхонаси.

**Фаолияти ихтисослиги: Ишлаб чиқариш.**

Бинонинг қурилиш ости майдони — 1422.57 кв.м.

Умумий фойдаланиш майдони — 1150,27 кв.м.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 115 583 400 сўм миқдоридаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача ОАТБ "Турон банк" Миробод ф-лидаги: 20208000904916649001, МФО: 00986, СТИР: 301949454 ҳ/р.га тўлашлари шарт.

**III.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 28 июндаги 93 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, "Арганчи" ҚФЙ, Ободон маҳалласи ҳудудида жойлашган, **бошланғич баҳоси** — 759 671 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) собиқ болалар боғчаси бино ва иншоотлари очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сақловчининг номи:** Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги.

**Фаолияти ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Ер участкасининг умумий майдони — 0,646 га.

Бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 927,95 кв.м.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 113 950 650 сўм миқдоридаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача ОАТБ "Турон банк" Миробод ф-лидаги: 20208000904916649001, МФО: 00986, СТИР: 301949454 ҳ/р.га тўлашлари шарт.

**Савдо 2013 йил 2 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.** Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 29 ноябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги "Давлат активлари" 2013 йил 2 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 18 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 17 декабрь куни соат 18:00.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,**

**Бешоғоч кўчаси, 1-уй. Тел: (+998 95) 170-11-40. Факс: (8-371) 245-30-40. ceag@inbox.uz. Лицензия RR-0035**

**Хизматлар лицензияланган**

## Диққат! Диққат! Диққат!
## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси оммавий оферта савдоларига таклиф этади. Қуйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта эълон қилинади:**

| № | Объект номи | Юридик манзили | Балансда сақловчининг номи ва манзили | Объект тавсифи | Бошлангич нархи (сўмда) | Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси | Инвестиция ва бошқа мажбуриятларининг энг кам ҳажми |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 15-уйнинг ярим ертўласи | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 4-ноҳия | Ангрен шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар Истиқлол кўчаси 1-уй | Бинонинг қурилиш ости майдони 350,52 кв.м. | 51 979 500,0 | Маъмурий бошқарув | сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш |
| 2 | 7-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотурар жой" майдони | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Г.Гулям кўчаси | Ангрен шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар Истиқлол кўчаси 1-уй | Бинонинг қурилиш ости майдони 171,83 кв.м. | 38 706 480,0 | Маъмурий бошқарув | сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш |
| 3 | 3-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотурар жой" майдони | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Наврўз кўчаси | Ангрен шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар Истиқлол кўчаси 1-уй | Бинонинг қурилиш ости майдони 84,96 кв.м. | 24 752 160,0 | Маъмурий бошқарув | сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш |
| 4 | 10-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотурар жой" майдони | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Театральная кўчаси | Ангрен шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар Истиқлол кўчаси 1-уй | Бинонинг қурилиш ости майдони 467,64 кв.м. | 141 750 000,0 | Маъмурий бошқарув | сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш |
| 5 | "Бино ва иншоотлар" | Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Катта Ўзбек тракти ҳудуди | Зангиота туман Давлат солиқ инспекцияси, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К.Ғофуров кўчаси, 7-уй | Ер майдони 0,2705 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 477,4 кв.м. | 625 113 000,0 | Давлат ижро ўргани | сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш |
| 6 | Собиқ ички ишлар бўлими бино ва иншоотлари | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Саховат кўчаси | Ангрен шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар Истиқлол кўчаси 1-уй | Ер майдони 0,1556 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 556,42 кв.м. | 342 883 500,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| 7 | "Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод-2 қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 1-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг "Электроника" институти, Тошент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33 | Ер майдони 0,34 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 226,62 кв.м. | 115 984 800,0 | Илмий изланишлар олиб бориш | - |
| 8 | Эски "Шийпон" биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров ФХУ ҳудуди | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,20 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м. | 25 069 500,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| 9 | Собиқ 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудуди | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,42 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м. | 78 006 600,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| 10 | Собиқ 3-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчаси | Пискент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси | Ер майдони 0,32 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м. | 92 054 700,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| 11 | 18-уйнинг ярим ертўла биноси | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 45-даҳа ҳудуди | Ангрен шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар Истиқлол кўчаси 1-уй | Бинонинг қурилиш ости майдони 322,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 257,69 кв.м. | 79 490 000,0 | Маъмурий бошқарув | - |
| 12 | Алоқа участкаси биноси | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Красногорск қўрғони | НКМК Жанубий кон бошқармаси, Тошкент вилояти, Нуробод шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27-уй | Ер майдони 0,38 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 420,62 кв.м. | 316 953 000,0 | Қазилма ишларини амалга ошириш | - |
| 13 | 2 қаватли қурилиши тугалланмаган нотурар жой биносини | Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, С.Раҳимов кўчасида | Бекобод шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар Ғ.Ғулом кўчаси 1-уй | Ер майдони 0,31 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 191,82 кв.м. | 160 240 000,0 | Маъмурий бошқарув | - |

**Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:**

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002 СТИР: 200555539

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМ ҳ/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 МФО: 00014;

Оммавий офертада қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва жорий йилнинг 11 декабрь куни соат 12:00да тамом бўлади. Талабгорнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2013 йил 11 декабрь куни соат 15:00да Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида очилади.

Оммавий офертада қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда оммавий офертада буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий офертада қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— Оммавий оферта шартларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги

оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

— агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Мурожаат учун манзил:** 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

**Маълумотлар учун телефонлар:** (8-371) 268-23-21, 268-27-29 факс: 268-27-29. **E-mail:** toshvilraqobat@inbox.uz

**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (8-371) 267-74-64 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

**Хизматлар лицензияланган**

## Диққат! Диққат! Диққат!
## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

***Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, "Qashqadaryo Mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

